



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ  
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН  
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 91 (8331).

11 май, 1984 йил

ЖУМА

Баҳоси 3 тийин.

## ТАШАББУСКОР ПАХТАКОРЛАР САФИГА ҚЎШИЛИНГ

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, 1983 йилнинг қийин об-ҳаво шароитида ҳам пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар, термини уюшқонлик билан ўтказдилар ва давлатга пахта соғитиш социалистик мажбуриятини муваффақиятли бажардилар. Тайёрлов пунктларига 444,6 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олинди. Етиштирилган пахтанинг 70 проценти машиналарда терилди.

Область пахтакорлари барча совет кишилари сингари КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари ақуларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларни кўтариш руҳ билан кутиб олдилар. Улар 1984 йилда пахта етиштиришни кўпайтириш ва давлатга соғитиш бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш юзасидан белгиланган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришнинг ҳисса қўшиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Илгори бригадаларнинг коллективлари Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, халқнинг моддий фаровонлигини ўстириш тўғрисида қўрсатаётган ғамхўрликларига амалий иш билан жавоб бериб, ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини жорий этиб, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустақкамлаб

пахтадан юқори ҳосил олиш, 1984 йил социалистик мажбуриятини ва умуман ўн биринчи беш йилликда давлатга пахта соғитиш бўйича белгиланган планни муддатидан илгари бажариш юзасидан қимматли ташаббус билан чиқдилар.

Область партия комитети Бекобод районидagi Ленин номи колхоздан Адолат Рўзमतова, Бўқа районидagi Ҳамза номи колхоздан Саодат Гулаҳмедова, шу райондagi «Партия XIX съезди» колхозидан Аҳмад Душабоев, Оққўрғон районидagi «Ленинизм» колхозидан Гулайхон Тулепбекова, Ғалаба районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллик соҳхоздан Энвер Алиев, Коммунистик районидagi «Политотдел» колхозидан Ким Гим Нен, Пискент районидagi Свердлов номи колхоздан Малик Ражабов, Ўрта Чирчиқ районидagi «Партия XXII съезди» колхоздан Содиқ Иўлдошев, Чиноз районидagi Навоий номи колхоздан Ўринбой Ақромов, Янгийўл районидagi «Коммунизм» колхоздан Ислом Икромов ўртоқлар бошлиқ илгори бригадалар коллективларининг 1984 йилда ҳар гектаридан 50—85 центнердан пахта ҳосили олиш ва давлатга пахта соғитиш бўйича ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш юзасидан қимматли ташаббусларини маъқуладилар.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, район агросаноат бирлашмалари, область кассба соювлари Совети, область комсомол комитети, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташоб-

сельхозтехника», «Ташобсельхозхимия» бирлашмалари, «Ташаготхлопкопром», колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига:

бу ташаббусни бригадалар, участкалар, совхозларнинг бўлимлари ва хўжаликларда муҳофиза қилиш ва кенг қўллаб қувватлашни ташкил этиш. Ҳар бир хўжалиқ бўйича зиммага олинган юксак мажбуриятларнинг суъсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳар бир бригада ва хўжаликда келинган йилларда эришилган кўрсаткичлардан ҳам ўзиб кетилишини мақсад қилиб мўл ҳосил олиш учун социалистик мусобақани оммавий равишда авж олдириш учун ташкилотчилик ишларини кучайтириш;

пахтадан мўл ҳосил олиш юзасидан юксак мажбурият қабул қилган бригада коллективларига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш, уларга талаб қилинган миқдорда сифатини уруғ-лиқ, минерал ўғитлар, гербицидлар, қишлоқ хўжалик техникасини ўз вақтида ажратиб берилишини таъминлаш. Саноат-экология планларида социалистик мусобақа илгоридаги моддий раغبатлангириш учун маблағлар ажрати-лишини кўзда тутиш топирилади.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакциялари, область теле-видениеси ва радиоси бош редакциялари, район газеталарига пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун социалистик мусобақанинг йўлга қўйилишини ва илгори иш тажрибаларини ёри-тиб бориш топирилади.

## МОСКВАГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг тақлифига би-  
ноян Испания қироли Хуан  
Карлос I ва қиролича София  
расмий визит билан 10 май  
куни Москвага келдилар.

Аэродромда меҳмонларни  
КПСС Марказий Комитети  
Сийёсий бюросининг аъзоси,  
СССР Министрлар Совети-  
нинг Раиси Н. А. Тихонов,  
КПСС Марказий Комитети  
Сийёсий бюросининг аъзоси,  
СССР Министрлар Совети  
Раисининг биринчи ўринбо-  
сари, СССР ташқи ишлар

министри А. А. Громико ра-  
фиқаси билан, КПСС Мар-  
казий Комитети Сийёсий бю-  
роси аъзоллигига кандидат,  
СССР Олий Совети Президи-  
уми Раисининг биринчи  
ўринбосари В. В. Кузнецов,  
КПСС Марказий Комитети  
Сийёсий бюроси аъзоллигига  
кандидат, СССР маданият  
министри П. Н. Демичев,  
бошқа расмий кишилар ку-  
тиб олдилар.

Кремлда, Катта Кремль  
саройи майдонида қирол

Хуан Карлос I билан қиро-  
лича Софияни КПСС Марка-  
зий Комитети Бош секретари,  
СССР Олий Совети Президи-  
уми Раиси К. У. Чер-  
ненко рафиқаси билан кутиб  
олдилар.

Кремлда кутиб олиш ма-  
росимида Н. А. Тихонов,  
А. А. Громико, В. В. Кузнецов,  
П. Н. Демичев, бошқа  
расмий кишилар ҳозир бўл-  
дилар.

(ТАСС).

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

## ТЕЗ СУРЪАТ БИЛАН СИФАТЛИ ҚУРАЙЛИК

10 май куни Ўзбекистон  
Компартияси Марказий Ко-  
митетиде кенгаш бўлиб ўт-  
ди. Кенгашда КПСС Марка-  
зий Комитетининг 1983 йил  
декабрь, 1984 йил февраль  
ва апрель Пленумларининг  
талаблари, КПСС Марказий  
Комитети Бош секретари,  
СССР Олий Совети Президи-  
уми Раиси К. У. Черненко  
нутқларидан баён этилган  
қонда ва ҳулосалар асосида  
1984 йил капитал қурилиш  
планини бажариш тадбирла-  
рига оид масала кўриб чи-  
қилди. Кенгашда область  
партия комитетларининг ка-  
питал қурилиш масалалари  
билан шугулланувчи секре-  
тарлари, Қорақалпоғистон  
АССР Министрлар Совети  
Раисининг, область ижроия  
комитетлари раисларининг  
шу масалалар билан шугул-  
ланувчи ўринбосарлари, ша-  
ҳар ва район партия коми-  
тетларининг секретарлари,  
шаҳар ижроия комитетлари-  
нинг раислари, пудратчи ва  
бюрогмачи министриликлар  
ва идораларнинг, динлашма-  
лар, корхоналарнинг раҳ-  
барлари, республика партия  
ва хўжалик активи ходимла-  
ри иштирок этдилар.

Кенгашда Ўзбекистон  
Компартияси Марказий Ко-  
митетининг биринчи секре-  
тари И. Б. Усмоновхўжаев  
нутқ сўзладилар.

Кейинги вақтларда рес-  
публикада бир қанча йирин  
саноат корхоналари, агросано-  
ат комплекси объектлари  
ишга туширилиб, маҳсулот  
бераётганлиги, уй-жой ва  
маданий-маиший қурилиш-  
нинг кенг программаси амал-  
га оширилаётганлиги ўқти-  
риб ўтилди. Бу йил бино-  
корлар олдида жиддий вазифа-  
лар қўйилди. Ўтган йил-  
дагита инсбатан анча кўп

капитал маблағ ўзлаштири-  
лиши керак. Саноатда ва  
қишлоқ хўжалигида 100 та  
йирин ишлаб чиқариш қу-  
ватини, уч миллион квадрат  
метрдан кўпроқ давлат ва  
635 минг квадрат метр коопе-  
ратив уй-жойларни, кўп  
миқдорда мактаблар, дола-  
лар богчалари ва бошқа  
маданий-маиший объектлар-  
ни фойдаланишга топириш  
режалаштирилди.

Бироқ халқ хўжалиги ана  
шу тармоқдаги ишларнинг  
аҳоли жиддий ташвиши ту-  
ғдиримоқда. Шу йилнинг би-  
ринчи кварталда асосий  
фондларни ишга тушириш  
ва капитал маблағларни ўз-  
лаштириш плани бажарилма-  
ди. Бинокорларнинг тўрт ой  
ичидаги иш ақуларини ҳақ  
қўйилмайдиганлиги эмас.

Министрликлар ва идора-  
лар, партия ва совет орган-  
лари раҳбарларининг диққат  
эътибори йўл қўйилган қо-  
лоқинини тугатиш, капитал  
қурилишнинг барча қўрсат-  
кичлари бўйича йилнинг ол-  
ти ойи топириқларини ва  
бузуни йил планини суъсиз  
бажариш таъминлаш, куч  
ва ресурсларни динричи на-  
батда ишга тушириладиган  
объектларда жамлашни ку-  
лайитириш учун қўшмача  
гадбирлар қабул қилиш за-  
рурлигига қаратилди. Шулар  
устидан контроллинг ўрна-  
тиш, ишга тушириладиган  
объектларни маҳаллий меҳ-  
нат ресурслари ҳисобига  
етишмаётган ишчилар билан  
комплектлашда бинокорлар  
ва монтажчиларга ёрдам кери-  
ш, сийёсий-тарбиявий иш-  
лари ҳамда қурилишларда  
нормал меҳнат ва турмуш  
шароитларини яратиш учун  
хўжалик раҳбарларига инсба-  
тан талабчанлигини кучай-  
тириш, ишдаги ҳар қандай

салбий ҳолатларга, қўшиб ўзиш  
ва кўзбўйлашчиларга ҳар-  
қис муросасиз кураш олиб бо-  
риш топирилади.

Айни-пукта моддий-техник  
ка таъминотини йўлга қў-  
йиш, меҳанизмлар ва транс-  
порт воситаларининг авари-  
сиз ишлашини таъминлаш,  
бригада хўжалик ҳисобини  
кенг жорий этиш тақлиф  
қилинди.

Объектларни лойиҳа-смета  
ҳужжатлари, ер участкала-  
ри, ускуна ва махсус мате-  
риаллар билан ўз вақтида  
таъминлаш, ишлатувчи хо-  
димларни ўз вақтида тайёр-  
лаш муҳим аҳамият касб  
этади. Капитал маблағлар-  
нинг жамлашни устидан,  
маблағларни ва пулни план-  
да белгиланмаган объектлар,  
га соғиб юборишга йўл қўй-  
маслини устидан контроллинг  
кучайтирилиши лозим.

Бухоро, Навоий, Наманган  
областлари ва бошқа об-  
ластларда зилзила оқибатла-  
рини тугатиш юзасидан ку-  
рилиш ва ремонт-тиклаш  
ишларининг суръатларини  
ҳар томонлама жалдлашти-  
риш зарурлигига кенгашда  
алоҳида эътибор берилди.

Кенгаш қатнашчилари  
1984 йилги капитал қури-  
лиш планининг бажарилиши-  
ни таъминлашга оид маса-  
лали муҳофиза қилиш чоғи-  
да қуриладиган чоралар тў-  
ғрисида ахборот бердилар,  
мавқуд камчиликлар ва танг  
ҳолатларни бартараф этишга  
қаратилган бир қанча танқид  
ий мулоҳаза ва тақлифлар  
ни киритдилар.

Кенгаш ишида Ўзбекистон  
Компартияси Марказий Ко-  
митети бюросининг аъзолари  
ва аъзоликка кандидатлари  
иштирок этдилар.

(ЎЗАТА).

## ОЗОД ЭТИЛГАН ДУНЁ ҲЕЧ УНУТМАЙДИ...

Совет халқи Улуғ Октябрь  
байроғи остида ленинчи ком-  
мунистлар партияси раҳбар-  
лигида гитлерчи галлария  
тор-мор қилди. Улуғ Ватан  
урушининг дахшатли жанг-  
ларидедалок бўлганларнинг  
номлари ҳеч қачон унутил-  
майди... Порлоқ Ғалаба бай-  
рами кунида одамлар эрта  
тондан кечгача В. И. Ленин  
номидagi майдонга, парад-  
лар ҳибосидagi Номаълум  
солдат қабирига, ҳарбийлар  
қабристонига, уруш йилла-  
рида Тошкент госпиталлари-  
да вафот этган ярадор жанг-  
чиларнинг хонк қўйилган  
мавзамаро она ҳайкали ёни-  
га келдилар.

Ильич ҳайкали пойи ранг-  
баранг гуллар билан қоплан-

ди. Номаълум солдат қабри-  
га, социалистик Ватанинг  
озодлиги ва мустақиллиги  
учун жонини фидо этган  
камчиликларинг муқаддас  
қаберларига гулчамбарлар  
қўйилди.

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитети, Ўзе-  
бекистон ССР Олий Совети  
Президиуми ва Министрлар  
Советидан, Қизил байроқ  
ордени Туркистон ҳарбий  
округининг ҳарбий кенгаши-  
дан, Тошкент область партия  
комитети ва область ижроия  
комитетидан, Тошкент ша-  
ҳар партия комитети ва ша-  
ҳар ижроия комитетидан,  
Улуғ Ватан урушининг вете-  
ранларидан, меҳнат коллек-  
тивлари ва жамоат ташки-

лотларидан гулдасталар ва  
гулчамбарлар қўйилди.

Гулдасталар ва гулчам-  
барлар қўйиш тантанали ма-  
росимда Ўзбекистон Ком-  
партияси Марказий Комите-  
ти бюросининг аъзолари ва  
аъзоликка кандидатлари  
И. Б. Усмоновхўжаев, Р. Ҳ.  
Абдуллаева, Е. А. Айтмурто-  
зов, И. Г. Аниясимов, Г. Ҳ.  
Қодиров, Ю. П. Максимов,  
В. К. Михайлов, М. М. Му-  
соҳонов, Т. Н. Осетров,  
О. У. Салимов, Н. Ҳ. Ху-  
дойбердиев, В. А. Голловин,  
У. У. Умаров, Ўзбекистон  
ССР Олий Совети Президи-  
уми Раиси ва республика Ми-  
нистрлар Совети Раисининг  
ўринбосарлари ҳозир бўлди-  
лар.

(ЎЗАТА).

## ИППОДРОМДА БАЙРАМ

9 май куни Тошкент Иппо-  
дроми алван ранг байроқ-  
лар ва баҳор гулларига қў-  
нган. Бу ерда Улуғ Ватан  
урушида совет халқи қозон-  
ган ғалабанинг 39 йиллигига  
бағишланган митинг ва спорт  
байрами бўлиб ўтди.

Митингга сўзга чиққан ўр-  
тоқлар инсониятни фашист

боққинчиларидан ҳалос қил-  
ган кишиларнинг жасора-  
ти унутилмаслиги, уларнинг  
хотираси ҳамиша ёвларда  
қалбда яшаши тўғрисида  
таъкидланди.

Республика физкультурчи-  
лари, Ўзбекистон ССР  
ДОСААФ спортчиларининг  
паради бўлиб ўтди. Ўз ма-  
ҳорати билан совет спорти

шухратини ошираётган  
спортчилар минбарлар олди-  
дан ўтдилар.

Профессионал ва ҳавас-  
кор яхшиликларнинг кон-  
цертлари баҳор байрамининг  
сезади. Ойиқ саҳнада куй,  
қўшиқ ва раис кечгача да-  
вом этди.

(ЎЗАТА).

## БИЗ ҲАМ ЁНМА-ЁН

Коллективимизда йилдан  
йилга қишлоқ хўжалик маҳ-  
сулотларидан мўл ҳосил  
етиштириб келияпти. Рес-  
публикамизнинг шонли 60  
йиллик юбилейи нишонланган  
диган йилда биз гектарлар  
ҳосилдорлигини ҳар қачон-  
гидан ҳам оширишга астой-  
дил ҳаракат қилаёмиш. Бу-  
нинг учун ўтган йил қузда-  
ноқ бичиш майдонлар сифат-  
ли шудорланиб, маҳаллий  
ва минерал ўғитларга тўй-  
дирилди. Баҳорнинг сурилиб

кейтишга қарамай, идиқ-  
несиқ қушлардан унумли  
фойдаланиб, мавжуд 100  
гектар майдонга қўқлоя  
учун, 90 гектар ерга эса  
дон учун маккажўхори уру-  
гини сифатли қадаб олдик.  
Айни кунларда бир текис  
униб чиққан наҳолларда  
дастлабни ишлов беришни  
ҳам бошлаб юборганимиз.  
Меҳанизатор Одий Туржо-  
нов маккажўхори экинлари-  
ни минерал ўғитлар билан  
озиклантириш ишларида

намуна кўрсатипти.

Ўқинда матбуотда облас-  
тининг бир гуруҳа чор-  
вадорлари, озуқakorлари  
нинг қимматли ташаббуси  
эълон қилинди. Биз ана шу  
ташаббустга ақидилик билан  
қўшилиб, ҳар гектар май-  
дондан 120 центнердан «қа-  
рабо дон» ва 800 центнер-  
дан маккажўхори кўқпоиси  
етиштиришга астойдил бел  
боладик. Бунинг учун кол-  
лективимизда бутун резерв  
ва имкониятлардан унумли  
фойдаланишга ҳаракат қи-  
линапти.

Н. ТУРСУНОВ,  
Коммунистик районидagi  
«Ўзбекистон» колхозин-  
нинг бригада бошлиғи.

НАВБАТДАГИ ЯГОНА СИЕСИЯ КҮН ОЛДИДАН

## Партиянинг иши—бутун халқнинг иши

18 майда республикамизда, шу жу-  
младан пойтахт обласгинида «Партия-  
нинг иши — бутун халқнинг иши» ма-  
взунда ягона сийёсий кун ўтказилди. У  
КПСС Марказий Комитети апрель  
(1984 йил) Пленуми ва ўн биринчи ча-  
қирғи ССР Олий Совети биринчи сес-  
сияси ақуларига бағишланди. Ягона  
сийёсий кунда Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитети, область партия ко-

митети, шаҳар ва район партия коми-  
тетлари аъзолари ва аъзоликка кан-  
дидатлари реиниш комиссияларининг  
аъзолари, министрликлар ва идоралар,  
жамоат ташкилотларининг раҳбарлари  
иштирок этидилар.

Ягона сийёсий кун докладаларига  
ёрдам учун материал газетамизнинг  
иккинчи саҳифасида эълон қилин-  
япти.



Адолат РЎЗМАТОВА,  
Бекобод районидagi  
Ленин номи колхознинг  
бригада бошлиғи, район  
Советининг депутаты.

— Ўтган йили бригада-  
миз аъзолари самарали меҳ-  
нат қилдилар. Ҳар гектари-  
дан 60,3 центнердан ҳосил  
олинди. Пахта етиштириш  
плани 192 процент бажари-  
рилди. Биз бу йил ўтган  
йили маррадан ҳам ўзмоқ-  
чимиз. 80 гектар ернинг ҳар  
гектаридан 65 центнердан  
ҳосил олишга аҳд қилдик.  
Шунда тўртинчи йил учун  
олинган социалистик мажбу-  
рият муддатидан илгари  
бажарилади. Республикамиз-  
нинг шонли юбилейи йили-  
ни «оқ олтин»дан рекорд  
ҳосил олиб нишонлаймиз.



Саодат  
ГУЛАҲМЕДОВА,  
Бўқа районидagi Ҳамза  
номи колхознинг бригада  
бошлиғи, халқ депутатлари  
область Советининг  
депутати.

— Мен 22 йилдан буён  
пахтачиллик бригадасига  
етакчилик қилиб келмоқда-  
ман. Ана шу йиллар  
ичида ўтган мавсумда кў-  
тарган хирмонимиз анча  
юқори бўлди. Об-ҳаво қи-  
йинчилиги, сув танқислиги  
нишмига ҳалақит бермади.  
Ҳар гектаридан 53,5 цент-  
нердан пахта топиридик. Ле-  
кин бу чегара эмас. Биз ўз  
имкониятларимизни чамалаб  
қўриб, юксак мажбурият қа-  
бул қилдик: ҳар гектаридан  
олинадиган ҳосилини 60  
центнерга етказмоқчимиз ва  
шу йўл билан пахта етиш-  
тириш бўйича белгиланган  
беш йиллик топириқни  
тўрт йилда адо этамиз.



Аҳмад ДУШАБОВЕВ,  
Бўқа районидagi «Партия  
XIX съезди» колхозининг  
бригадери, Қорақўйиқ  
қишлоқ Советининг  
депутати.

— Бригадада етакчилик  
қилаётганимга 20 йил бўл-  
ди. Ана шу давр мобайнида  
коллективимиз деҳқонлари  
пахтадан юқори ҳосил  
олишини сирларини ўрга-  
ниб олдилар. Ўтган йили  
биз ҳар гектаридан 49,1  
центнердан пахта топири-  
дик. Бу йил эса 145 гек-  
тарлик майдондан олинати-  
ган «оқ олтин»ни 60 цент-  
нерга олиб чиқмоқчимиз.  
Бу юксак мажбуриятини ба-  
жариш учун ҳамма имкони-  
ятларни ишга соламиз. Беш  
йиллик топириқни тўрт  
йилда бажарамиз.



Гулайхон  
ТУЛЕПБЕКОВА,  
Оққўрғон районидagi  
«Ленинизм» колхозининг  
бригада бошлиғи, район  
Советининг депутаты.

— Бригадамизда асосан  
ёшлар ишлашади. Улар зўр  
ихлош, ғайрат ва маҳорат  
билан меҳнат қилмоқдалар.  
Шунинг учун ҳам ўтган йи-  
ли кўтарган хирмонимиз  
51,7 центнердан тўртти  
келди. Бу — колхозда энг  
юқори кўрсаткич эди. Бу  
йил ҳосилдорлигини янада  
оширишга аҳд қилдик. За-  
рур тадбирлар белгиланди.  
Бу тадбирларда имконият-  
лар, резервлардан тўла  
фойдаланиш кўзда тутилди.  
Ҳар гектаридан 60 цент-  
нердан «оқ олтин» топири-  
дик. Бу бизнинг Ўзбекистон  
ССР ва Ўзбекистон Ком-  
партияси 60 йиллик юби-  
лейига меҳнат совғамиз бў-  
лади.



Энвер АЛИЕВ,  
Ғалаба районидagi  
«Ўзбекистон ССР беш  
йиллиги» совхозининг  
бригада бошлиғи, район  
Советининг депутаты.

— Бригадамиз коллектив-  
ини ўтган йили пахта етиш-  
тириш планини 111 процент  
бажарди. Яъни ҳар гекта-  
ридан 38 центнердан ҳосил  
олдик. Албатта, сугорила-  
диган майдонларда ҳосил-  
дорлигини оширишнинг ре-  
зервлари кўп. Бундай ре-  
зервлар бизда ҳам бор. Ана  
шунини ҳисобга олиб, бу йил  
70 гектар ернинг ҳар гекта-  
ридан 50 центнердан «оқ  
олтин» етиштиришга, бир  
центнер пахтанинг таннар-  
хини 5 процента камайти-  
ришга суъ бердик. Белги-  
ланган тадбирларнинг амал-  
га оширилиши, ҳеч шубҳа-  
сиз, беш йиллик топири-  
қини тўрт йилда адо эти-  
шимизга ёрдам беради.



Ким Гим НЕН,  
Коммунистик районидagi  
«Политотдел» колхозининг  
бригада бошлиғи.


Ўтган йилги мавсум кол-  
лективимиз учун самарали  
мавсум бўлди. Тўғри, бир-  
мунча қийинчиликлар юз  
берди. Бироқ, бизлар астой-  
дил меҳнат қилиб, маҳора-  
тимизни, тажрибамизни иш-  
га солиб, ҳар гектаридан  
48,1 центнердан хирмон кў-  
таришга муваффақ бўлдик.  
Натижада пахта етиштириш  
планини 114 процента ет-  
казиб бажардик. Бу йил биз  
85 гектар ернинг ҳар гекта-  
ридан 50 центнердан ҳосил  
оламиз. Етиштирилган пах-  
танинг 90 проценти ма-  
шиналарда терилди. Бирин-  
чи ва иккинчи сорт пах-  
танинг салмоғини 90 процент-  
га етказамиз.



Малик РАЖАБОВ,  
Пискент районидagi Свер-  
длов номи колхозининг бри-  
гада бошлиғи.



# ТАНИШИНГ, ОҚТЕЛА ДЕПУТАТЛАРИ



ЯНГИЧА УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАР ПРОПАГАНДАСИГА БАҒИШЛАН. ГАН СЕМИНАР-КЕНГАШ

## ҲАМ МУҲОКАМА, ҲАМ ТАЖРИБА

ПЕШТОҚИГА «Халқ депутатлари Оқтепа кишлоқ Совети ижроия комитети» деб ёзиб қўйилган бино ичкарига киришганда биланок бу ердиги озодаллик, деворларга тартиб билан осиб қўйилган кўрғазмали айтилган воситалари, хоналарнинг бежирим безаклари эътиборингизни ўзига тортади. Меҳнат ва уруш ветеранлари, ишлаб чиқариш илгорлари, ватанпарварлик ҳаракатлари ташаббусларининг портретлари ойнаванд ромлар ичига ўрилатилган. Советларнинг ҳамда улар ижроия комитетларининг асосий вазифалари нимадан ниборат эканлигини йўлак деворларига осилган ёзувлардан билиб оласиз.

Депутат хонаси дид билан кўйилган. Хона тўрида кенг экранли телевизор. Унинг ёнидаги китоб жавонига Советларнинг ва ижроия комитетларнинг фаолиятига оид турли адабиётлар териб қўйилган. Устига охори қилиб мато ёзилган узун столда ўнга яқин марказий, республика, област ва район газеталарининг тахмиллари. Деворларга ҳамма соҳалар бўйича комиссиялар, депутатлик гуруҳлари ва постлари аъзоларининг рўйхати осилган. Айниқса, нийҳат гувоҳномалари расмийлаштирилган хона алоҳида эътибор билан безатилган.

Бу бинога ташриф буюрган ҳар бир кишининг, ҳоҳ у қолхўзи бўлсин, ҳоҳ уни ёқиб бўлсин, саранжом-сарийлашнинг, тартибни кўриб руҳланиши, маънавий озуқа олиши аниқ. Демак, кишлоқ Совети ижроия комитети меҳнатқашларни маданий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш масалалари билан ҳам мунтазам шуғулланганда.

Кишлоқ Совети, унинг ижроия комитети, доимий комиссиялар, депутатлик гуруҳлари ва постлари маҳаллий шароитни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган аниқ перспектив ва операциялар асосида иш юритадилар. Айниқса, доимий комиссияларнинг катта ташкилотчилик ишлари диққатга сазопдордир. Совет ва ижроия комитет қарорларининг бажарилишини мунтазам назорат қилиб борадилар. Ҳақ маълумотида қорхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайдилар. Ёл қўйилган камчилликлар ва нуқсонларни даргаф эътиш юзасидан тавсиялар берадилар.

Кишлоқ Советидаги 9 та доимий комиссияга 53 депутат бирлашган. Улар меҳнатқашларни давлат пландар

лик вазифаларини тўла адо этиш билан бирга ишлаб чиқаришда ҳам бевосита ишқилиб ташаббус кўрсатмоқдалар. «Пискент» совхозининг кишлоқ Совети депутати А. Шеронов бошқарувада бўлиб коллективни ўтган йилги мавсумда район партия комитети ва район ижроия комитетининг кўмаки билан қўлга киритди. Шу совхоз ишчиси, депутат С. Аббосов нормадан 4 гектар ўрнига 9 гектар майдондаги ғўзага ишлов бериб, ҳар йили тўқтинчи тоналдан охириг пахта териб бермоқда. У ўтган уч йил давомида 27,4 тонна пахтани қўлга олиб, шаксий беш йиллик панини икки йилда бажарибди. Шунингдек, беш йиллик 3—4 йилда бажарибди сўз берган ўнда эриг депутат ҳам мажбуриятини муддатидан илгари бажарганини ҳақида рапорт берди.

Сайловчилар нақзаларининг ўз вақтида бажарилиши депутатларнинг доимий назоратлари остида бўлади. Ўтган даврда тушган 28 та нақзалдан 22 таси бажарилиб, қолганлари 1984 йил планига киритилди. Депутатларнинг актив ҳаракатлари билан кишлоқ территориясида янги магазин, меҳ-

монхона куриб ишга туширилди. Тошкент канопо фабрикаси филиали, пионер лагерининг қурилиши, кишлоқ амбулаторияси, турар-жойлар қурилиши давом эттирилди. Кишлоқ Совети мажлисларида «Ташкентводстрой» автокорхонаси, Оқтепа пахта тайёрлаш пункти ва «Пискент» совхоз раҳбарларининг сўзловчилар нақзалари қандай бажарилаётганини ҳақида ҳисоботлари тингланган.

Меҳнатқашларни халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаш, янгича урф-одатларни тарғиб қилиш ва қарор топтириш масалалари ҳам кишлоқ Совети ижроия комитетининг доимий диққат-эътиборида. Ҳозир ижроия комитет ҳузурида янги маросимлар ва урф-одатларни тарғиб қилиш ва қарор топтириш совети ишлаб турипти. У ўзининг перспектив иш планига эга. Совет ишлаб чиқариш илгорлари ва ветеранларнинг шарафлаш, ёшларни ишчилар, механизаторлар сафига қабул қилиш, ҳарбий хизматга кўчириш, меҳнат Шухрати кечаларини ҳамда ҳосил байрамларини ўтказиш каби анъаналарга жиддий эътибор беради.

Ижроия комитет ҳузурида тўйларни янгича ўтказувчи махсус совет ҳам тузилган. Кишлоқнинг ҳурматли кен-

салари, қаҳрамон оналар, ишлаб чиқариш илгорлари, партия ва совет ходимлари билан иборат бу совет аъзоларининг актив ҳаракати билан эндиликда тўйлар ортқица дабдабаси, бир кунда ўтказиладиган тўйлар қолди. Ноўрин сарф-харажатларга, тўй дастурхонини спиртли ичимликлар билан тўлдириб ташлаш каби зарарли одадларга барҳам берилди.

Оқтепа кишлоқ Совети ижроия комитети амалга ошираётган аниқ шу тадбирлар катта самара бераётди. Кишлоқ территориясидаги совхоз, қорхона, ташкилот ва муассасаларни социал ривожлантириш планлари барҳам кўрсаткичлари бўйича муваффақиятли бажариламоқда. Масалан, Оқтепа пахта тайёрлаш пункти ўтган йил планининг 104 процент, «Ташкентводстрой» автокорхонасининг 104,3 процент бажариб, мева ва қорғичлик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш пландарини ортқица билан адо этди.

1983 йил ва беш йилликнинг ўтган уч йил давомида иқтисодий ва социал-маданий қурилишда катта тўғулқларга эришгани учун Оқтепа кишлоқ Совети ижроия комитети республика социалистик муسابқаси ғолиби деб топилди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союз-

лари республика Советининг Фахрий дипломи, 10 минг сўм пул мукофоти ҳамда «Москвич» енгил автомашина билан тақдирланди. Мукофот пулидан 2400 сўми мазорларни ободонлаштириш, 1300 сўми фельдшерлик-акушерлик пунктларига ва 3 минг сўми 13 та медицина пунктига жиҳозлар харид қилиш учун ажратилди.

— КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил апрель Пленуми ҳамда ўн биринчи қарор қилинган Олий Совети биринчи сессиясининг ҳалқ депутатлари Совети ишлари янада яхшилаш тўғрисидаги қарорларини чуқур ва атароқлича ўрганиб чиқилди, — дейди Оқтепа кишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси З. Деҳқонбоева. — 1984 йил учун тузилган перспектив пландаримизда партиянинг социал-иқтисодий сийасатини амалга оширишда Советлар ролини кучайтириш, умумхалқ давлатчилиги ва социалистик демократияни такомиллаштириш масалаларига кенг ўрин берилган. Биз бу вазифаларни ҳал этишда доимий комиссиялар, депутатлик гуруҳлари ва постлари активлиги, депутатларимизнинг ижодий ташаббуслорига таяниб иш олиб бормиз.

А. НҲЛДОНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



● Суратларда: Оқтепа кишлоқ Советининг депутати Раҳимов Абдул ва сайловчилар билан суҳбатда;

● Суратларда: Оқтепа кишлоқ Советининг депутати Раҳимов Абдул ва сайловчилар билан суҳбатда;

## ТАШАВБУСКОР САВЗАВОТКОРЛАР ИЗИДАН

# ҲОСИЛДОРЛИК 500 ЦЕНТНЕРГА ЕТАДИ

Мен ўттиз йилдан буён деҳқончилик билан шуғулланаман. Сўнгги ўн икки йил давомида сабзавотчилик билан боғлиқ раҳбарлик қилиб келаяман. Муттасил ер билан тиллашавверганидан кейин туپроқнинг нафас олиши ҳам, ундан қай вазилда қандай фойдаланиш кераклигини ҳам билиб қорар экан. Бу нав кучли ерда яхши ривожланади. Уни намида 7—8 марта сугориб керак. Лекин, республика партия-хўжалик актив ва ишлаб чиқариш илгорлари йилигишда айтилганидек, ўтган йилги табиат деҳқонининг арзини тингламади. Ёғингарчилик кам бўлиб, бирмунча қийинчиликлар туғилди. Шунда биз сойлик да насос ўришдик, ҳатто оқова сувлардан қайта фойдаланишнинг ҳам йилини топдик. Натигада ҳосилдорликка пўтур етмади. Давлатга пландаги 145 тонна ўрнига 250 тонна қортошқа, 760 тонна ўрнига 1200 тонна сабзавот топшириб, эл олдига берган сўзимизнинг устидан чиқдик.

Бирок айрим бригадалар янги қортошқани кўп сугоришдан эришиб, бошқа нав экин экинчи афзал қўришди. Натигада ҳосилдорликлар ҳам бир мунча паст бўлди. Ваҳоланки, тадбиркорлик билан иш юритилса, ҳар қандай машаққатни ҳам бартараф этиш мумкин.

Бу йил баҳор анча кечикди. Шундай бўлса-да, бригадани аъзолари ҳамма-ҳақдаги иш юритиб, қортошқа экинни ўз вақтида сифатли тугалладилар. Айни кунлар да сабзавот экинлари ҳам яхши ривожланипти. Биз областимизнинг бир гуруҳи сабзавоткорлари, боғбон, соҳибкорлари тақлибига қўшилиб, даля ишларини илгорлар тажрибаси асосида ташкил этишимиз. Қортошқа ҳосилдорлигини 280 центнерга, сабзавот ҳосилдорлигини 500 центнерга етказиш коллективимизнинг мамлакат Озқ-овқат программасининг бажарилишига қўшадиган муносиб ҳиссаси бўлади.

Зухур ЮСУПОВ, Калинин районидаги «Партия XX съезди» қолхон сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи.

## ЧЕТ ЭЛ ХАВАРЛАРИ

# ТИНЧЛИК ҲАҚИДАГИ ДОИМИЙ ҒАМХЎРЛИК

Совет-Польша музокараларининг якуларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан ПБПМ Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Яригудский сўзлаган нутқларини жаҳон матбуоти ҳамон муҳокама қилиб, шарҳлаб турибди. Чет эл оммавий ахборот воситалари шунинг таъкидлашдики, СССР, бошқа социалистик мамлакатлар доимо юксак социализм принципларига, тинчлик тўғрисидаги ғамхўрликка, инсониятни ядро уруши хавфидан халос қилиш, қуролланиш пойғасини, аввало ядровий қуролланиш пойғасини тўхтатиш қуролсизланишга ўтиш мўлдоасига амал қилиб келмоқдалар. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг ўзаро ҳарбий куч ишлатмаслик ва тинчлик муносабатларини давом эттириш тўғрисида шартнома тузиш ҳуқуқига Шимолий Атлантика шартномасига аъзо бўлган давлатларга қилган ҳамда катта шов-шувга сабаб бўлган мурожаатномаси социалистик мамлакатлар тинчликсеварлигининг салмоқли далили эканлиги қайд этилмоқда.

ПХР билан СССР ўртасидаги ҳамкорлик социалистик интернационализмнинг олий принципларига, тўла тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва дўстона ўзаро ёрдам принципларига асосланади, деф ёвади. Польшада чиқадиган «Трибуна людз» газетаси. Москвада ишқилибдан «СССР билан ПХР ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган узоқ муддатли программаси» бунинг ёркин ифодасидир.

Катта сийёсий аҳамиятга молик ҳужжат қабул қилинган. СССРга, ПХРга сўтун социалистик ҳамдўстлик билан биргаликда экономикани тез ривожлантириш йўлидан самарали равишда олга бо-риш, социализмнинг бунёдкорлик имкониятларини биргаликда чуқурроқ очиб им-конини беради. Москвадаги музокараларнинг якуларини, СССРнинг империализм, американи империализми кучларининг социализм мамлакатларига қарши кирдиқорларига зарба беради, социалистик мамлакатларнинг мустақам бирлигини намойиш қилади.

Совет-Польша ҳамкорлиги иккала мамлакатнинг манфаатлари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги қардошларча муносабатларни мустаҳкамлаш, социализм ва тинчликни қу-дайтириш манфаатлари йўлида муваффақиятли ривожланиш келмоқда, деф ёвади Чехослованиядаги «Руде право» газетаси. Ўзларининг ҳалқ Польшасига нисбатан тузган режалари барбод бўлганлигини аламларига чидай олимаётган АҚШ ва бошқа капиталистик давлатларнинг ҳуқуқрон доиралари мафкуравий ва бошқа турдаги ғаламисилқар ҳамда иқтисодий «жазо» қоралари ердимида мамлакатларга вази-ятини издан чиқаришга уринмоқдалар. Бу уринишлар мағлубиятга маҳкум этилган. Москвадаги музокара-ларда социализм мамла-катларининг ижтисоти зарурлиги таъкидланди. Социализм мамлакатларининг хавфсизлиги, улар халқлари-нинг тинч меҳнати, ядро урушининг олди олиниши социализм мамлакатларининг бирлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг мурожаатномасида, деф ўқиради Венгриядаги «Неспа-бадшаг» газетаси, социалистик мамлакатларнинг ядро-вий фалокат хавфи пайдо бўлиб турган ҳозирги мураккаб халқаро вазиятда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан НАТОга аъзо бўлган дав-латлар ўртасида ишонсиз-ликни қайтайдир оладиган, ҳескинилик юмшатишга,

## ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ЛОНДОН. Саводсизлик Форс кўрғазми мамлакатлар-да жиддий проблема бўли-қолмоқда. Рейтер агент-лиги мухбирининг расмий маълумотларга асосланиб, Бахрайдан хабар қилишича, Саудия Арабистони, Қувейт, Бирлашган Араб Амириклари, Бахрай, Уммон ва Ка-тарда аҳолининг 40 процент-дан 60 процентгача бўлган қисми ўқиш ва ёзишни бил-майди. «Қора олтин» қазиб чиқаришдан катта даромад олаётган шу мамлакатлар-нинг ҳукуматлари, деф ҳа-бар беради агентлик, ўз со-циал-иқтисодий программала-рида яқин йилларда савод-сизликни тутатиш проблема-сига кўпроқ эътибор бериш-ни режалаштирмоқдалар. Бу эса, жумладан, саноатда чет эл малакали ишчи ва тех-никларига қарам бўлишни анча қайиғириш имконини беради.

● ДАМАШҚ. Янги ой бо-шида Исроил аҳолиси нав-батдаги «тухфа» олди. И-сроилдан олинатган хабар-ларга кўра, бензин, қорамой-ва ёқилғининг бошқа турла-ри, шунингдек газ нархи ўн процент кўтарилган. Кеча почта хизматининг барча турлари ўн процентдан зиёд қимматлашган.


(ТАСС).

## ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

● КОБУЛ. Бу ерда чиқа-диган «Ҳақиқати инқилоби савр» газетаси совет-афгон самарали иқтисодий ҳамкор-лигига юксак баҳо бермоқ-да. Газета Афғонистонда СССР кўмаги билан 180 дан кўпроқ объект қурилганли-ги ва барпо этилаётганини ўқ-тириб, икки мамлакат бир-галикда амалга оширган Нангархар водийсини ривож-лантириш лойиҳасини алоҳи-да таъкидлайди. Бу лойиҳа-нинг рўбига чиқарилганли-ги, деф ўқиради газета, 18 минг гектар қуруқчилик ер-ларини сугориш, бир қанча ихтисослашган фермалар ташкил қилиш имконини бери-ди. Кейинги йилининг ўзи-дагина Нангархарда барпо этилган комплекс бундан ав-валги йиллардаги кўрсаткич-лардан анча ўзиб кетиб, дав-латга 35 миллион афғон миқ-дориди даромад келтир-ди.

● АНҚАРА. Қимматчи-лик тез ўсиб бораётганли-ги сабабли турки меҳнатқаш-ларнинг турмуш шароитлари доимо ёмонлашмоқда. ТХА маҳаллий ахборот агентли-гининг хабар беришича, кейин-ги ўн йил ичида энг зарур молларнинг нархи 27 бара-вар ошган. Яқиндагина нон, ёғ, гўшт, қанд-шакар, гуруч ва чой сингари озиқ-овқат маҳсулотлари ўрта ҳисобда яна 20 процент қимматлаш-ган. Шу билан бирга ишчи-лар ва хизматчиларнинг иш ҳақи жуда секинлик билан кўпаймоқда, бу эса уларнинг яшаш шароитларини янада кўпроқ мушкуллаштирмоқда.

Турк матбуотининг ёзиш-ча, Туркия дуч келаётган жиддий социал-иқтисодий проблемаларга унинг Ғарб мамлакатларига қарамлиги ўсиб бораётганлиги сабаб кредитлар ўз «Брак»-ни бир қанча асоратли талаб-лар билан, шу жумладан турк лирасини ҳар йили де-вальвация қилиш билан шартлаб қўйган. Бунинг на-



● Голландия балиқчилари Шимолий деңизнинг балиқ-қа бой районларидан бирида ҳар бирида 200 килограммдан гоит ҳавфли «диньосе» заҳарли химикат бўлган 12 та бочкани тўрларига ту-ширишди. Бу бочкалар Да-ниянинг «Дина оптима» сав-до кemasи томонидан ян-вар ойи ўрталарида кучли шторм пайтида йўқотилган.

эди. Мамлакат ҳукумати ш-ошчилик равишда ташкил эт-ган кидиргулар ҳеч бир на-тижа берибди. Ҳозирга қа-дар бу заҳарли химикатлар-нинг ачағига қисми Шимо-лий деңиз тубида ётди. Суратда: Голландия ба-лиқчилари заҳарли химикат-лар бўлган бочкаларни қир-ғоққа туширмоқдалар. ЮПН—ТАСС телефотоси.

